

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИННИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10643278>

**Менглиев Фахриддин Валиевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академиясининг

Олий таълимдан кейинги таълим факультети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимиқяти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти турли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; ҳуқуқбузарлик; жиноят; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; жиноятларнинг сабаблари; жиноятларнинг шароитлари; жиноятчиликка қарши курашиш; ҳалқ депутатлари кенгашлари.

**Аннотация.** В данной статье анализируются правовые основы деятельности органов местного самоуправления в сфере профилактики преступности.

По мнению автора, деятельность органов местного самоуправления в сфере профилактики преступности регулируется различными правовыми документами.

В статье содержатся предложения по совершенствованию деятельности органов местного самоуправления в сфере профилактики преступности.

**Ключевые слова:** органы местного самоуправления; преступление; преступление; предотвращение преступления; причины преступлений; обстоятельства преступлений; борьба с преступностью; Советы народных депутатов.

**LEGAL BASIS FOR THE ACTIVITIES OF LOCAL GOVERNMENTS IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION**

**Annotation.** This article analyzes the legal basis for the activities of local governments in the field of crime prevention.

According to the author, the activities of local governments in the field of crime prevention are regulated by various legal documents.

**The article contains proposals for improving the activities of local governments in the field of crime prevention.**

**Key words:** local governments; crime; crime; crime prevention; causes of crime; circumstances of the crimes; crime control; Councils of People's Deputies.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан “энди ҳокимлар ҳам ҳар куни ўз ҳудудидаги жиноятлар билан боғлиқ вазиятни шахсан мұхокама қилиб бориши, шунингдек, жойлардаги ҳалқ депутатлари кенгашлари жиноятлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шартшароитларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги” таъкидланган эди .

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишини турли ракурслардан кўриб чиқиш мүмкун ва шу билан бирга таҳлиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги фаолияти тарқоқ тартибга солинганлигини кўрсатмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ўзига хос жиҳати маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий вакиллик ва ижро органларидан иборат эканлигига ҳамда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги умумий ҳамда мутлақ ваколатлари қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаганлигига ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қўйидагиларда кўриб чиқиш мүмкун:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг белгилаб қўйилиши билан бирга уларнинг ваколатлари ҳам назарда тутилган. Хусусан, Асосий қонуннинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари ўз ифодасини топган бўлиб, 122-моддада ҳалқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари, 123-модда эса вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ваколатлари ўз ифодасини топган . 125-моддадаги “вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини яккабошлиқ асосида амалга оширади ҳамда ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлади” деган норма ҳокимларга тегишли ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятни амалга оширувчи органларнинг бу борадаги фаолиятига умумий раҳбарлик қилишга ҳуқуқий замин яратади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

тўғрисида”ги Қонуни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи “бош қонун” ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 8-моддасига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўйидаги ваколатларни амалга оширади: “ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш”. Кўриниб турибдики ушбу қонунда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари умумий тарзда белгиланган. Ҳолбуки бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида жуда кўплаб вазифаларни амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга таҳлиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита субъекти бўлишига қарамасдан, юқоридаги қонунда белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишларининг аниқ механизмлари белгиланмаганигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7-моддаси иккинчи қисмида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиласилар” деб белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу ваколатларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) жумласига киритилган.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 10-моддасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ҳамда ҳомийлик соҳасида қўйидаги ваколатларни амалга ошириши назарда тутилган: “васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш, висийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, висийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажарувчи ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилишни ҳамда мувофиқлаштириб боришни амалга ошириш, висийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг, шунингдек висийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ахборот тизимини юритиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оиласларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизmlарини яратади ва такомиллаштириш, оиласа тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қилиш, етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга үй-жой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда уларнинг ўз эгаларига берилиши устидан назорат ўрнатиш”. Бу ерда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари висийлик ва ҳомийлик фаолиятига оид ижтимоий профилактикани амалга оширишлари назарда тутилган.

Шунингдек, Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари висийликни ёки ҳомийликни белгилаш ва тугатиш бўйича, шунингдек висийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари назарда тутилган бўлиб унда “ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлаш, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этиш” га оид ваколати белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари тизимида “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларида нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этиши” белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг болаларни уларнинг

соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари сифатида “болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, болаларнинг ҳар томонлама, баркамол ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратиш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш”. Ушбу қонунда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари умумий тарзда белгиланган. Масалан, “болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш” дейилганда айнан нималар назарда тутилгани аниқ эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўйидагиларни амалга оширади: “хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади, хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласи, хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади”. Ушбу қонунда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ниҳоятда умумий белгиланган. Масалан, “отин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади” дейилган жумла фақат умумий мазмунга эга бўлиб ўзида аниқ ахборотни акс эттирмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унинг ўзига хос томони шундаки, қонунда айнан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари белгиланган. Юқоридаги қонунларда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари назарда тутилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса вакиллик ва ижро органидан иборат бўлиб, қонундаги ваколатлар улардан айнан қайси бирига тегишили эканлигини назарда тутилмаган. Шу билан бирга ушбу қонунда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ белгиланган ва улар қўйидагилардан иборат: наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, наркологик ёрдам соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, тегишили ҳудудда наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш, наркологик ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасалари тармоғини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни ва инфратузилмани яратиш, наркология муассасалари қошида ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик фаолиятига ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этишга, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этишга кўмаклашиш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиқсан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиқсан шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший мослашувига доир тадбирларни амалга ошириш .

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатлари сифатида қўйидагилар белгиланган: “алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва бажарилишини таъминлаш, аҳоли, энг аввало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни тарқатишга қаратилган профилактика тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш, тегишили ҳудудда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлаш, фуқароларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, алкоголга ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдамини молиявий, моддий-техник, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этиш” .

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид фаолиятини билвосита тартибга солувчи қонунлар. Мазкур қонунлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға оид фаолиятини түғридан-түғри тартибга солмасада, мазкур фаолиятни у ёки бу даражада тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида”ги қонунининг 10-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, ушбу қонунда учта субъект (давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари)нинг бу борадаги ваколатлари умумий тарзда белгиланган. Давлат бошқаруvida ваколатларнинг бундай тарзда белгиланиши ўз навбатида сансалорликка олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунининг 24-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши белгиланган бўлиб унга кўра “истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик бажарилишини ташкил этиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш, истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш, истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этиш” бўйича ваколатга эга эканлиги белгиланган. Кўриниб турибдики бу ерда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари жуда ҳам умумий ва ноаниқ тарзда белгиланган. Масалан ушбу моддадаги “истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик бажарилишини ташкил этиш” деганда айнан нима назарда тутилгани аниқ эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти түғрисида”ги қонунида маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг мақомми, уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳамда ваколатлари белгиланган бўлиб, ушбу қонуннинг 24-моддасида халқ депутатлари Кенгашининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари сифатида тегишли прокурорларнинг, ИИО ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшлиш, шунингдек тегишинча ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшлиш назарда тутилган. Мазкур нормалар халқ депутатлари Кенгашининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиб масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари ва бошқа давлат органларининг

маҳаллий бўлинмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга имкон беради.

Шунингдек, юқоридаги моддада “халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманларапо, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшигади. Халқ депутатлари Кенгашининг мазкур масала юзасидан қарори Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига юборилади”, деб белгилаб қўйилиши ўз навбатида судларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида халқ вакиллари олдидағи масъуллигини назарда тутади.

Юқоридаги қонуннинг 25-моддасида ҳокимнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколати сифатида “жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чоратадбирларни кўриш” назарда тутилган. Унга кўра ҳокимлар тегишли ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги умумий раҳбарликни амалга оширадилар.

Таҳлил қилинаётган қонуннинг 252-моддасида халқ депутатлари Кенгashi томонидан ИИО ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшииш асослари ва тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра “юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика катта инспекторларининг ҳисботларини эшииш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилиниши” белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари “атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда тегишли ҳудудда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга ошириш”дан иборат бўлган умумий ваколатларга эга. Ушбу қонунга 2019 йил 15 июнь куни

киритилган ўзгартишга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари мавжуд бўлмаган ва бу эса ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини белгилаш бўйича ҳуқуқ ижодкорлигида яхлит ёндашувлар шаклланмаганигини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб унга кўра қўйидагилар назарда тутилган: “фуқаро муҳофазаси режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг тегишли ҳудудда амалга оширилишига раҳбарлик қилиш, тегишли ҳудуддаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиб бориш, фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситалари тайёрланишини ҳамда шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлаш, ташкилотлар раҳбарлари ва аҳолининг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усуllibарига ўргатилишини ташкил этиш, замонавий қирғин воситалари қўлланилган шароитда аҳоли ҳаёт фаолиятининг таъминланишини кафолатловчи фуқаро муҳофазасига оид мол-мулк, моддий-техника, озиқ-овқат, тиббий ва бошқа хил захиралар ҳажмларини белгилайдилар ҳамда уларнинг тўпланиши, сақланиши, янгилаб борилиши ва шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлаш, уруш даврида, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ташкилотларнинг барқарор ишлашини таъминлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш, фуқаро муҳофазаси соҳасида ахборотлар йиғиш ва алмашинишни, шунингдек замонавий қирғин воситаларининг қўлланилиш таҳдида ёки қўлланилганлиги тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлаш, аҳолини эвакуация қилиш ва бўлиб-бўлиб жойлаштиришга, унинг хавфсиз зоналарга ўрнашиб олишига тайёргарлик кўриш ҳамда шу ишларни ташкил этиш, даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар ишини йўлга қўйиш тадбирларини амалга ошиш, қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этадилар ва амалга ошириш, ўз тасарруфларидағи ҳудудда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш”. Ушбу қонунда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ниҳоятда умумий тарзда белгиланган ҳамда ушбу ваколатларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан “маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиши” белгиланган бўлишига қарамасдан бугунги кунга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги ваколатларини амалга ошириш механизмлари тўлиқ шаклланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб унга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўйидаги ваколатларга эга: “ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурлари амалга оширилишида иштирок этади, ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларининг бажарилишини ташкил этади, маҳаллий бюджетларнинг ёнғин хавфсизлигига, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг таъминоти харажатларига доир қисмининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва ижро этилишини таъминлайди, ёнғин ўчирувчилар деполари қурилишини амалга оширади, ёнғиндан сақлаш хизматининг маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмаларини белгиланган тартибда сақлайди ва моддий-техника базаси билан таъминлайди, ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилишини амалга оширади, тегишли ҳудудда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатади”.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 13 октябрдаги “Археология мероси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг археология мероси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари сифатида қўйидагилар белгиланган: “археология мероси обьектлари лозим даражада муҳофаза қилиниши ва сақланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, археология мероси обьектларининг бут сақланиши ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш, очиқ варақ ва рухсатнома олган археологга археология қидиувлари, археология қазишмалари ва археология назоратини ташкил этишда ёрдам бериш, ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик, йўлсозлик ишлари ва бошқа ишлар учун ер участкалари ажратилишини лойиҳалаштиришда археология обьектларини сақлаш талабларига риоя қилинишини қонунчиликка мувофиқ таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқароларни археология мероси обьектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда тарғиб қилишга доир тадбирлар ўтказишга ихтиёрий асосда жалб этиш”. Аммо ушбу қонундаги ваколатларни ҳам амалга ошириш юзасидан аниқ механизмлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари сифатида қўйидагилар назарда тутилган: “йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш, йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш

бўйича чора-тадбирларни кўриш, шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидағи қўчаларнинг, йўлкаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини тартиба солиш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг жиҳозланиши ва соҳиҳатда сақланишини таъминлаш” .

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари сифатида “давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этиш, ҳудудий экологик дастурларни тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, тегишли ҳудудда давлат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат экологик назорати масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш” назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича қўйидаги ваколатлари белгиланган: “аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” .

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари сифатида қўйидагилар белгиланган: “атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги масалаларнинг жисмоний ва юридик шахслар иштироқида муҳокама этилишини ташкил қиласи ҳамда унда иштирок этади, радиациявий таъсирдан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақланишини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, мол-мулки ҳимоя қилинишини, шунингдек атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлашга доир тадбирларда иштирок этади, аварияга оид ташқи режани ишлаб чиқишида иштирок этади, ядервий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини қуриш учун ер участкаларини ажратиш бўйича ер кадастри материалларини тасдиқлади, тегишли ҳудудда атом энергиясидан фойдаланиш обьекти билан боғлиқ авария юз берган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаракатлар қилишга шайлиги устидан давлат назоратини амалга оширади, атом энергиясидан фойдаланиш обьекти билан боғлиқ авария оқибатларини бартараф этишга, чеклашга ва камайтиришга доир тадбирларни

ташкил этишда иштирок этади, аҳолини тегишли ҳудуд доирасидаги радиациявий вазият ва амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади” .

Юқоридаги қонунлар таҳлили асосида қўйидаги хуносаларга келинди:

биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ваколатлари ниҳоятда умумий тарзда белгиланган бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиш имконини бермайди, шу билан бирга ушбу нормаларни тўғридан-тўғри амалга оширишнинг имкони мавжуд эмас ва бўнинг учун тегишли қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниши талаб этилади;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида асосан “моддий жавобгар” ҳамда “ташкилотчи” сифатида иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли Қарорига биноан тасдиқланган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида”ги Низомнинг 37-бандида “Таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади” , деб белгилаб қўйилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бўгунги кунда Сурхондарё вилоятида \*\*\* та таянч пунктларининг амалда биноси мавжуд эмас. Чунки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёридаги маҳаллий бюджет ҳисобидан таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлашдан кўра долзарброқ муаммолар мавжудлиги сабабли бу масалага етарлича эътибор берилмасдан қолмоқда. Шу билан бирга таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағларига боғлаб қўйилиши ҳам тўғри эмас;

учинчидан, ҳуқуқбузарлар профилактикасига оид яна бир қатор қонунларида эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ёки иштироки умуман белгиланмаган. Масалан, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, 2017 йил 4 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2019 йил 3 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги, 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига оид нормалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, мазкур қонунлар билан тартибга солиниши

назарда тутилган ижтимоий муносабатларда асосий субъектлардан бири сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг муҳим жиҳатларини белгилаб беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди ва бу борада улар фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомга кўра, таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, таянч пункти туман, шаҳар ҳокимликлари балансида бўлади ва унинг биноси Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг розилигисиз бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотилмайди ёки берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сонли Қарори маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг муҳим жиҳатларини белгилаб берди.

Унга кўра қўйидаги тартиблар ўрнатилди:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳар куни:

тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишади ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратади;

тегишли ҳудудда содир этилган, биринчи навбатда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаштиради ҳамда масъул ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўради;

ҳуқуққа хилоф ҳолатлар бўйича ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасаларни жалб қилиш

ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади;

б) ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг мажлисларида ҳисобот даври якунига кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлаш натижаларининг таҳлили асосида қўйидагилар танқидий муҳокама қилинади:

тегишли ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноий ҳолатлар;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясига киритишни белгиланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг ахволи .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” Қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларига ҳудудий ички ишлар органларининг ўрнак кўрсатган раҳбар ходимларини улар фаолиятини баҳолаш натижасига кўра, маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилиши ҳисобидан ҳар чорақда пул таъминотининг 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларини ифодалайди.

Хусусан ушбу Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар тизимига киритилган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борада қўйидаги ваколатлари белгилаб қўйилган: “жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларни тасдиқлади ва амалга ошириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, шошилинч тиббий ёрдам хизматлари, жамоат жойларидаги коммуникация, муҳандислик-техник воситалар ҳамда бошқа тизимларга қўйиладиган ягона ҳуқуқий талабларга риоя этиш чора-тадбирларини назорат қилиш ва амалга ошириш, тегишли ҳудуддаги жамоат жойларида қурилиш нормаларига, техник эксплуатация қоидаларига, коммуникация, экология, санитария, эпидемиология стандартлари ва талабларига риоя қилинишини назорат қилиш, йўл ҳаракатини тартибга солиш ва мавжуд транспорт инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш, жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларни моддий-техник таъминлаш, уларнинг

ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти аниқ тартибга солиниши билан бирга бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳам замин яратган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги ҳужжатларида концептуал масалалар ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, улар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг янги йўналишларини очиб беришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 205-сонли Қарорида эса оммавий тадбирларни ўтказиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги "Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 123-сон қарорига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомлар тасдиқланган.

Ушбу низомларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурӣ масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ўзини ўзи бошқариш ва ёшлар сиёсати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги ваколатлари ҳамда функциялари ўзининг ифодасини топган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги "Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактиkasини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 450-сонли қарорида Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактиkasини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш юзасидан Жиззах вилояти ҳокимлиги зиммасига бир қатор вазифалар юкландган. Масалан, вилоят ҳокимлигига вилоят Ички ишлар бошқармаси билан биргаликда Жиззах шаҳрининг Заргарлик маҳалласи мисолида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан сектор таркибида фуқаролар йиғини ва ички ишлар бўлимининг биргаликдаги намунали ишини ташкил этиш ҳамда кейинчалик ижобий тажрибани республика доирасида оммалаштириш юзасидан таклифлар киритиш юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги “Тошкент шаҳрининг чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 486-сонли қарори билан тасдиқланган “Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янгича ёндашув асосида ташкил этиш чоратадбирлари дастури”га асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги зиммасига мазкур туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича доимий асосда фаолият кўрсатадиган жамоатчилик кенгашини ташкил этиш, туман ички ишлар органининг маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга доир амалиётини таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни келгусида жиноят содир этиш хавфини келтириб чиқарувчи тегишли категорияларга (оилавий-маиший низолар, йўл-транспорт ҳодисалари, майда безорилик ва бошқалар бўйича) ажратиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ва келгусида жиноят содир этишга мойил шахслар билан якка тартибда ишлаш бўйича тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси самарадорлигини ошириш ва бу борада идоралараро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қўйидаги ташкилий чораларни амалга ошириш, аҳоли гавжум бўладиган ҳудудларда (бозорлар, савдо комплекслари, парклар, стадионлар ва бошқалар) «SOS» тугмачалари орқали тезкор видео хабар бериш тизимини жорий этиш кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 495-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуж-жат-да Бухоро вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, ҳаёт даражасини ошириш, мунособ иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда вилоятни ушбу йўналишда намунали ҳудудга айлантириш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

Қарор билан тасдиқланган 2019 йилда Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш чора-тадбирлари дастурида хотин-қизларни қўллаб-қувват-лашда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ҳамда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўрта-сида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-бузарлик профилактиkasини тизимли ташкил қилишда ҳам-корликни

таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва оилаларни мустаҳкамлашда маъна-вий-маърифий ҳамда маданий тарғибот ишларини кучайти-риш билан боғлиқ аниқ, манзилли чора-тадбирлар белгиланди.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича Бухоро тажриба-си-нинг таркибий қисми ҳисобланган хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикасини тизимли ташкил қилишда ҳамкорликни таъминлаш юзасидан қўйидаги янги тажрибалар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартағи 128-сонли “Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига келгусида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларидан 50 метр масофада маъмурӣ, майший, хўжалик бино ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари ажратилишига, улар ижарага берилишига, шунингдек, баландлиги 6 метрдан юқори бўлган бино ва иншоотлар қурилишига йўл қўймаслиги тўғрисидаги қоида белгиланди. Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасалари тўғрисидаги низомга биноан Жазони ижро этиш муассасаларига озод этилаётган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший турмуш шароитларини яхшилаш масалалари бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ижтимоий мослашув марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 309-сонли қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомга асосан ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ўз зиммасига юклangan асосий вазифаларга мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиқда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва реабилитация марказларига жойлаштирилган меҳнатга лаёқатли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Шунингдек, реабилитация марказларига қабул қилинган шахсларни реабилитация қилиш шаклларидан бири сифатида соғлом ва меҳнатга лаёқатли 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 55 ёшгача бўлган аёллар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорлиқда бандлигини таъминлаш

масаласини ҳал этиш учун тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 сентябрдаги 412-сонли «Тожикистон Республикаси билан чегарани қўриқлаш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида»ги қарорига биноан «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида» Қонун қабул қилингунга қадар чегарани бузувчилар, жиноий гуруҳлар ва транспортнинг эҳтимол тутилган ҳаракати йўлларида Тожикистон Республикаси билан чегарани қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилди ҳамда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимлари зиммасига ИИВ бўлинмаларини жойлаштириш ва уларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун зарур майший шароитлар яратиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 624-сон «Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар обьектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан қўйидаги шартлар асосида 2019 йил 15 октябрдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар обьектларининг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига рухсат берилди:

«Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар обьектларнинг ички қисмига, шу жумладан, хизмат кўрсатиш хоналари, кириш ва чиқиш жойларига тасвири камида ўттиз кун давомида сақлаш имконини берувчи видеокузатув тизимини ўрнатиш;

биноларнинг ён-атрофи, автотураргоҳ ва уларга тегишли бошқа ҳудудларни етарли даражада (камида 10 метр масофада) ёритиш;

бинода шовқиннинг рухсат этиладиган шовқин меъёрларига қўйиладиган санитария қоидалари ва нормаларидан ошмаслигини таъминлаш, шу жумладан, обьектларни тўлик товуш ўтказмайдиган этиб жиҳозлаш ёки тунги вақтда мусиқа ва товуш кучайтиргич асбоб-ускуналаридан фойдаланмаслик;

ёнғин ўчириш воситалари ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар тўплами солинган тиббий ёрдам қутичалари билан таъминлаш;

бинонинг барча учун кўринарли жойларига ёнғин ва бошқа фавқулодда (тезкор) вазиятлар юз берган тақдирда ҳаракатланиш ва фуқароларни эвакуация қилиш чизмаси ҳамда тезкор ва қутқарув хизматларининг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотларни ўрнатиш.

Шунингдек, ушбу қарор билан тунги вақтда фаолият юритаётган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар обьектлари юқорида назарда тутилган шартларни бўзса ёки уларнинг тунги фаолияти юзасидан жамоатчилик томонидан мунтазам равишда эътиrozлар билдирилса, уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш

ҳуқуқи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бекор қилиниши мүмкнинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 701-сонли қарорига биноан ҳафтанинг ҳар жума куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни”да маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фуқаролар билан йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилиш, шу жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир этиладиган ҳудудларда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини ташкил этишда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари алоҳида ўрин тутади.

Сурхондарё вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари таҳлил қилинганда улар қўйидаги тўрт гурӯҳга бўлиниши маълум бўлди:

биринчиси – халқ депутатлари кенгашларининг ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳисоботларига оид қарорлари;

иккинчиси – халқ депутатлари кенгашларининг тўғридан-тўғри ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлари;  
учинчиси – ҳокимларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлари;  
тўртинчиси – ҳоким раислигидаги йиғилиш баённомалари.

Бу ўринда ҳоким раислигидаги йиғилиш баённомаларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда таъсир кучига бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга кўра йиғилиш баённомалари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Бироқ Сурхондарё вилоят ҳокими раислигидаги йиғилиш баённомаларининг қарор қисмларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хос бўлган вазифалар белгиланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, вилоят ҳокимлиги раислигига ўтказилган 2023 йил 29 марта, 2023 йил 3 майда, 2023 йил 13 июнда, 2023 йил 16 августдаги, 2023 йил 9 сентябрдаги, 2023 йил 13 сентябрдаги, 2023 йил 13 октябрдаги мажлисларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлар қабул қилинган.

Муаллифнинг фикрича, ҳоким раҳбарлигидаги йиғилиш баённомаларида норматив-ҳуқуқий ҳуқуқий ҳужжатларга хос вазифалар белгиланмаслиги, бундай йиғилиш баённомаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар белгиланиши зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори <https://lex.uz/docs/2941418>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори <https://lex.uz/docs/2941418>.
3. Закон Кыргызской Республики от 29 мая 2008 года №99 О местном самоуправлении и местной государственной администрации // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=23138](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=23138)
4. Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=132549](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549)
5. Закон Республики Армения от 5 июня 2002 года №3Р-337 О местном самоуправлении // [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=2919](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2919)
6. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Намунавий Регламенти 52-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/6098369>.